

БАДИЙ ТАРЖИМАДА СЎЗ ТАНЛАШ МУАММОСИ (“Дунёнинг ишлари” романининг туркча таржимаси мисолида)

ҲАМИДОВ ХАЙРУЛЛА

PhD, ТДШУ

Аннотация. Бугунги кунда ўзбек адабиёти дурдоналарини хорижий тилларга ва хорижий адабиёт намуналарини ўзбек тилига таржима қилиш, таржима асарларини илмий ўрганиш бўйича қатор изланишлар амалга оширилмоқда. Ушбу мавзу доирасида бадиий таржимада сўз танлаш муаммосини тадқиқ этиш долзарб аҳамият касб этади. Гап бир тил оиласига мансуб, урф-одат, миллий анъаналари бир-бирига яқин ўзбек ва турк халқлари орасида амалга оширилган таржималар ҳақида борганда, вазият бирмунча ўзгаради. Чунки, бу икки тил орасида таржима қилишнинг афзалликлари билан бир қаторда ўзига яраша мураккабликлари борлигини ҳам эътироф этиш керак. Бу мавзунини ўрганишга бағишланган мақолада қўйилган илмий муаммо таниқли ўзбек адиби Ўткир Ҳошимов асарларининг турк тилига таржималари мисолида кўриб чиқилади. Тадқиқот мавзусини танлашда сўнги йилларда ўзбекчадан туркчага бадиий таржиманинг долзарб муаммоларига бағишлаб ёзилган илмий ишларнинг камлиги, давр тақозоси билан бу борада амалга оширилиши керак бўлган ишлар анча кўплиги ҳисобга олинди. Таржимада сўз ва иборалар танлашнинг бадиий таржимадаги бирламчи аҳамияти, таржима жараёнида лугатнинг ўрни, таржимада “сохта эквивалентлар” муаммосига алоҳида эътибор қаратилади. Ўзбек тилидан турк тилига бадиий таржимада сўзнинг асар контексти ва таржимада бадиий талқин воситаси эканлиги, бадиий асар сарлавҳаларини ўғиришда дуч келинаётган жиддий муаммолар ҳам ёритишга ҳаракат қилинади. Тадқиқот асосини ташкил этувчи ўзбек ва турк тилларининг бир тил оиласига мансублигига қарамай кўпчилик лексик-фразеологик бирликларнинг келиб чиқиш нуқтаи назаридан фарқлиқ касб этиши бадиий асарларни ўғиришда таржимондан ўта эҳтиёткор бўлишни қатъий талаб қилишига алоҳида эътибор берилади. Келинган хулосалар таниқли олимларнинг бу борадаги назарий фикрлари билан тасдиқлашга ҳаракат қилинади.

Таянч сўз ва иборалар: ўзаро яқин тиллар, синонимлар, сўз танлаш муаммоси, сохта эквивалентлар, сўзнинг яширин маъноси, сарлавҳа таржимаси.

Аннотация. В настоящее время ведется ряд научных исследований по переводу шедевров узбекской литературы на иностранные языки и образцов зарубежной литературы на узбекский, а также научному изучению переводных произведений. В рамках данной темы актуальное значение имеет исследование проблемы выбора слов в художественном переводе. Ситуация часто меняется в лучшую сторону в узбекско-турецких переводах, когда языки, на которых говорят народы, принадлежат одной лингвистической семье, у которых общая культура, обычаи, традиции. Однако имеют место и некоторые сложности.

Научная проблема, поставленная в данной статье, рассматривается на примере турецких переводов произведений известного узбекского писателя Уткура Хашимова. При выборе темы исследования учтена недостаточность научных работ, посвященных актуальным вопросам художественного перевода с узбекского языка на турецкий. Также акцентировано внимание на то, что многое предстоит сделать в этой области.

Особое внимание уделяется важности изучения проблемы выбора слов и устойчивых словосочетаний в художественном переводе, роли и месту двуязычных словарей в процессе перевода, проблемам передачи “ложных эквивалентов”. Также предпринимается попытка осветить серьезные вопросы о том, что

слово в литературном переводе с узбекского языка на турецкий и контексте является средством художественной интерпретации текста, что при переводе названий произведений переводчики часто сталкиваются с трудностями. Несмотря на то, что узбекский и турецкий языки относятся одной лингвистической семье, по своей этимологии большинство лексико-фразеологических единиц в этих языках в корне отличаются и требуют от переводчиков особого подхода.

Заключения исследования подтверждены теоретическими выводами известных ученых-переводоведов.

Опорные слова и выражения: слово, перевод, близкородственные языки, проблемы выбора слова, ложные эквиваленты, скрытое значение слов, перевод названий.

Abstract. Currently, a number of scientific studies are underway to translate the masterpieces of Uzbek literature into foreign languages and samples of foreign literature into the Uzbek language, and to the scientific study of translated works. Within the framework of this topic, the study of the problem of the choice of words in literary translation is of current importance. When it comes to translations made between the Uzbek and Turkish languages belonging to the same language family, which are spoken by peoples who have a common culture, common customs and traditions, the situation often changes. It should also be recognized that the translation between these two languages has not only its advantages, but also a kind of complexity. The scientific problem posed in this article will be considered on the example of Turkish translations of the work of the famous Uzbek writer Utkur Khashimov. When choosing the topic of this study, it is taken into account that currently there are not enough scientific works devoted to urgent issues of literary translation from Uzbek into Turkish, and much remains to be done at the behest of the time. Particular attention is paid to the importance of studying the problem of word choice and stable phrases in literary translation, the role and place of bilingual dictionaries in the translation process, and the problems of transmitting "false equivalents". The article also attempts to elucidate serious questions about the fact that a word in a literary translation from Uzbek into Turkish and the context is a means of literary interpretation of the text, and translators often encounter problems when translating the title of works. Despite the fact that the Uzbek and Turkish languages, which form the basis of this study, belong to the same language family, that most lexical and phraseological units are fundamentally different in their etymology in these languages, it requires a special approach from translators. The conclusions made during the research are confirmed by the theoretical conclusions of famous translation scholars.

Keywords and expressions: closely related languages, word selection problems, false equivalents, hidden meaning of a word, translation of names.

Кириш. Бугунги кунда ўзбек адабиёти Марказий Осиёдаги энг тараққий этган ва ўзига хос адабиётлардан бирига айланди, дейиш мумкин. Ўзбек адабиёти минтақадаги ўзига хос феномен бўлиб, унинг ўзгачалиги мамлакатнинг географик жихатдан Осиёнинг қоқ ўртасида, генетик жихатдан эса ислом маданият анъаналарига оидлиги билан ҳам изоҳланади. Дарҳақиқат, адабиётимиз дурдоналарининг хорижий тилларга ўгирилиши ва жаҳон адабиёти хазинасидан ўзининг муносиб ўрнини эгаллаши бугун алоҳида аҳамият касб этмоқда. Бирок, ҳозир ўзбек тилидан хорижий тилларга бадиий асарлар таржимаси етарли даражада амалга оширилмоқда дейиш қийин. Бадиий асарларда ўз аксини топган бой ўзбек маданияти хорижий китобхонлар учун жумбоқлигича қолиб кетмоқда. Шунга қарамай, адабиётимиз ихлосмандларининг ўзбек халқининг бой маданияти, мумтоз ва замонавий адабиётимизга бўлган қизиқиши ортиб бораётганлиги асарлар таржима қилинишига жиддий эҳтиёж юзага келганлигини кўрсатади.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда рўй бераётган ислохотларнинг янги даврида қардош турк халқи билан алоқаларимизни янада мустаҳкамлаш давлат аҳамиятига молик масалага айланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19-20 февраль кунлари Туркия Республикасига расмий ташрифи мамлакатларимиз орасида бошқа соҳалар қаторида адабиёт

ва бадий таржима соҳасида ҳам муносабатлар мустаҳкамланиб бораётганлигидан далолат беради. Туркия Республикаси Президенти девони Халқ кутубхонасининг тантанали очилишида сўзлаган нуткида Ш.Мирзиёев “Дунёдаги ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат биринчи навбатда ўзининг интеллектуал салоҳияти, юксак маънавияти билан қудратлидир. Бундай енгилмас куч манбаи эса, аввало, инсоният тафаккурининг буюк кашфиёти – китоб ва кутубхоналарда, десак, адашмаган бўламиз.”–дея таъкидлади¹.

Дарҳақиқат, халқлар орасидаги маданият кўприги ҳисобланган бадий таржима айни тил оиласига мансуб, тили, урф-одат, миллий анъаналари бир-бирига яқин ўзбек ва турк халқлари орасидаги дўстлик ришталарининг янада мустаҳкамланишига кўмак бериб келмоқда. Албатта, бунда таржималарнинг сифати, уларнинг бадий савияси, асл нусхадаги миллий руҳни қайта яратишда таржимон маҳорати муҳим омил ҳисобланади.

Мақсад ва вазифалар. Мақоланинг мақсади бадий таржимада сўз танлаш муаммосини таниқли ўзбек ёзувчиси Ў.Ҳошимовнинг “Дунёнинг ишлари” романининг турк тилидаги таржимаси асосида кўриб чиқиш, таржима сирасида ижодкорлар диққатидан четда қолган баъзи хусусларни таъкидлаш ва баҳоли қудрат тавсиялар беришдан иборат. Ушбу мақсадга эришиш учун тадқиқот олдига асар таржимасида сўзларни тўғри танлашни қайта яратиш учун ижодкорларнинг бадий тасвир ва ифода воситалари қай даражада фойдаланганини кўрсатиш, таржимон маҳоратини белгилаш, аслиятда қўлланилган мақол, матал ва бошқа турли фразеологик бирликларнинг нечоғли ўтирилганлиги, бир тил оиласига мансуб ўзбек ва турк тиллари орасида бадий таржиманинг осон томонлари ва тилларнинг ўзаро яқинлигидан келиб чиқадиган чигалликларнинг сабабини ёритиш вазифаларини қўйилган.

Методлар. Тадқиқотни амалга оширишда тавсифий, таҳлилий ва таҳлилий-қиёсий методлардан фойдаланилди. Ў.Ҳошимовнинг “Дунёнинг ишлари”² романидан олинган парчаларнинг туркча таржималари³ тадқиқотнинг асосий манбаи, асар ва таржимасининг миллийликни акс эттирувчи жиҳатлари эса предмет сифатида олинган тадқиқот жараёнида аслият ва таржима матни таҳлил қилиниб, қиёсланар экан, ўзбек ва турк тилларининг изоҳли луғати, икки тилли (туркча-ўзбекча, ўзбекча-туркча, туркча-русча ва русча-туркча) ҳамда турли энциклопедик луғатлардан⁴ кенг фойдаланилди. Шунингдек, асарнинг асл нусхасидан келтирилган мисоллар ўзбекча таржимаси билан бирга берилган ва лозим топилган ўринларда муаллиф таклиф этган таржима вариантлари ҳам бериб ўтилди.

Эришилган натижалар: Ўзаро яқин тиллар орасида таржимани амалга ошириш ташқаридан қараганда осондек кўринсада, тажриба бундай фаолиятда бир талай мураккаб-ликлар борлигини рўй-рост кўрсатмоқда. Дарҳақиқат, тиллар яқин ёки узоқ бўлишидан қатъий назар, таржима жараёнида ижодкор бирданига икки маданият, икки тилнинг сўз ва образлари устида иш олиб борар экан ҳар сафар бегона сўзлардан қайси бирини ўтириб, таржима матнига ўтказиш мумкинлиги, агар мумкин бўлса сўз ёки образ бегона негизда ўз ўрнини топа олиши ҳақида ўйлаб кўриши керак.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Туркия Республикаси Президенти девони Халқ кутубхонасининг тантанали очилиш маросимидаги нутқи, «Халқ сўзи» газетаси, 2020 йил 21 февраль, № 38 сони.

² Hoshimov O., Dunyoning ishlari, qissa. –T.: 2005.- 208 b.

³ Haşimov Ötkir, Dünyanın İşleri, Türkiye Türkçesine Çeviren: Mahir Ünlü, Bilgeoğuz Yayınevi, İstanbul, Mart 2014, 206 s.

⁴ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. –М.: “Рус тили”, 1981; Türkçe Sözlük, TDK, 9. Baskı, 1.-2. Ciltler. – Ankara, 1998; Büyük Rusça-Türkçe Sözlük, Moskva, «Russkiy yazık», Multilingual. – İstanbul, 1995; Büyük Türkçe-Rusça Sözlük, Moskva, «Russkiy yazık», 1977, Multilingual. – İstanbul, 1994; Хотамов Н., Саримсоқов Б., «Адабиётшунослик терминларининг русча - ўзбекча изоҳли луғати», Т.,1983.

Маълумки, ҳар бир тилнинг ўз қонуниятлари бўлади. Бир тилда табиий жаранглаган сўз, ибора, бошқа тилга сўзма-сўз ўгирилганда, жарангсизлашиши, жумла эса оғирлашиб қолиши мумкин. Демак, ниманидир ташлаб юбориш, қайтадан яшаш, соддалаштириш ёки фикрнинг китобхонга аслият каби тушунарли бўлиши учун ниманидир қўшиш керак бўлади. Аммо бу таржимоннинг “ўзидан қўшиши” дегани эмас. Бундай вазиятда таржимон муаллиф матнига тузатиш кирита олмайди. Зеро муаллиф ўз муддаосини текис синтактик ва қуруқ луғат воситалари билан эмас, она тилининг бадий сўз, образ ва мураккаб синтактик қурилмалари воситасида ифодалайди. Таржимон эса муаллиф билан ҳамнафас бўлиши, асарнинг ҳар бир заррасини муаллиф кўзи билан кўриши, уни муаллиф сингари ҳис этиши, тилнинг асосий унсури бўлган сўзни ўз она тилидан излаб топиши керак. Бу борада Ғ.Саломов шундай ёзади: “Бадий адабиёт учун ғоятда муҳим бўлган кўрсаткичлар: бадийлик, образ ва образлилик, мажоз ва мажозийлик – барчаси сўз замирида яширинган, сўзда ўз ифодасини топган бўлади ва сўз орқали реаллашади¹. Дарҳақиқат, бадий таржимада сўзни тўғри танлаш учун санаб ўтилган талабларга амал қилиш лозим. Шундан кейингина сермашаққат меҳнат – таржима иши бошланади.

Мутахассислар узок тиллардан кўра, тилларнинг ўзаро яқинлиги туфайли таржима жараёнида кўпроқ хатоликларга йўл қўйилиши ҳақида кўп ёзишади ва бу бежизга эмас. Бунда хатолик, асосан, ижодкорнинг “сохта эквивалентлар”га алданиш оқибатида рўй беради. Масалан, “Дунёнинг ишлари”да шундай бир жумла кечади: Шариллаб жала қуйиб юборди. – Ўлсин, деди ойим ўрнидан туриб. – Чакка ўтяпти”². Ушбу гап турк тилига қуйидагича ўгирилган: “Kuvvetli bir sağanak başladı. Annem yerinden kalktı, içeri damla akıyordu. – Olsun, dedi”³. Гап туркчага тушунарли берилган, аммо таржимон баъзи сўзларнинг туб маъносига етиб бормаган. Масалан, “Ўлсин, – деди ойим” содда гапи “Olsun, dedi” (маъноси: “Бўпти, майли” деди) шаклида берилган. Бу ерда таржимон сохта эквивалентга дуч келган ва аёллар нутқида кўп қўлланилувчи “ўлсин” сўзини “бўлсин” деб ўйлаб, хатога йўл қўйган. Аслида эса унинг сўзма-сўз таржимаси “Ölsün”, яъни “ölmek” (ўлмоқ), феълининг буйруқ майли 3-шахс бирлик шакли (“ўлсин”) эди. Шуни ҳисобга олиб, ушбу жумлани турк тилига “Kahretsin, – dedi annem” шаклида бериш, яъни парчани қуйидагича ўгириш мақсадга мувофиқ бўлар эди: “Bardaktan boşalırcasına yağan sağanak yağmur çatıyı delip tabandan içeri damlamaya başladı. – Kahretsin, – dedi annem yerinden kalkarken, – tabandan su damlıyor”. Қиёс учун парчанинг русча таржимасига эътибор берилса, вазият янада ойдинлашади: “Начался ливень. – Проклятье! – проворчала мать, вставая с постели. – Потолок протекает”. Русча таржима ишончли чиққан.

Таржиманинг вазифаси хусусида ўзбек олими Ғ.Саломовнинг сўзлари алоҳида эътиборни тортади: “Таржиманинг вазифаси сўз ва гапнинг маъносини тўғри беришгина эмас, балки, муаллиф услубининг ички энергиясидан келиб чиқадиغان энг нозик ва нафис хусусиятларни, чунончи, бадий оҳанг, сўз, ҳаракат ва сўзлар тизмасининг замирида яшириниб ётган семантик ҳодисани, ҳар муаллифнинг сўз танлаш ва сўз бириктириш борасидаги янгилигини, бадий асарнинг энг муҳим хоссаси бўлган образлиликни, ҳар бир товуш, нукта ва вергулнинг бадий функциясини билиб, тўғри ишлатишдан иборат. Бундай майда ва нозик тил хусусиятларини тушунмаган ёки бунга эътибор бермаган таржимоннинг тўғри таржима қилиши мумкин эмас”⁴.

¹ Саломов Ғ., Таржима назарияси асослари, Т., “Ўқитувчи”, 1983. 73-б.

² Hoshimov O., Dunyoning ishlari, qissa. –Т.: 2005, 46-bet.

³ Haşimov Ötkir, Dünyanın İşleri, Türkiye Türkçesine Çeviren: Mahir Ünlü, Bilgeoguz Yayınevi, İstanbul, Mart 2014, 60-bet.

⁴ Саломов Ғ. “Таржима санъати”, мақолалар тўплами. Т., 1973, 57-б.

Дарҳақиқат, яхши таржимон асарни бир тилдан бошқасига шунчаки ўгирмайди, унинг имкони-ятлари анча кенг: у бир лисоний тафаккурни бошқа лисоний тафаккурга айлантиради, нафақат фикр аниқлиги, балки оҳанг, маром, суръат, ранг-жило, яъни бадий асарга эмоционал тус бериб, бир мураккаб тил тизимидан бошқа бир мураккаб тил тизимига кўчиради. У нафақат биргина сўз ёки жумла, балки ҳар бир боб, ҳатто муаллифнинг шу асарини унинг бошқа асарларидан фарқлайдиган томонлар, баъзан эса улар орасидаги услубий боғлиқликларни тушуниши ва қалбдан ҳис этиши лозим. Бу бадий маҳорат асарда ёритилган вақеликни илғай олиш ва кенг мушоҳада этиш, уни образлар воситасида экс эттириш, адабиётнинг ғоявий-бадий воситалари, вазифалари ичига тўла кира билиш, уларни илмий асосда таҳлил қила олиши, луғат таркибидаги турли қатламлар ва адиблик санъатининг қудратли қуроли бўлмиш сўзнинг барча нозик маъно жилваларини сеза олиш қобилиятида намоён бўлади.

Таржима жараёнида ижодкорлар сўз синонимлари ичидан энг мақбул вариантни танлашда кўп адашадилар. Масалан, “туш” сўзи туркчада “güya” (рўё) ва “düş” бўлиб, фаол нутқда кўпроқ соф туркча “düş” сўзи эмас, “güya” қўлланилади. “Дунёнинг ишлари”даги “Туш” новелласини таржимон “Rüya” деб эмас “Düş” деб берган. Ёки “...қўлидаги чироқ хира нур сочиб турганмиш”¹ гапини *...ışık zayıf bir ışık saçıyor*² деб ўгирган³. Бу эса услуб нуктаи назаридан тўғри эмас (яъни таржимон “чироқ”ни ҳам, “нур”ни ҳам “ışık” сўзи оркали берган). Ҳолбуки, ушбу гапни “elindeki lamba etrafı zayıf aydınlatıyordu” шаклида берган маъкул эди.

Шу ўринда “Дунёнинг ишлари”ни турк тилига ўгирган таржимон Моҳир Унлунинг “Агар таржима сирасида хатога йўл қўйган бўлсам, бу – менинг айбим. Бунинг учун ёзувчининг ўзи ва китобхонлардан узр сўрайман. Йўл қўйилган хатолар – менда, гўзалликлар эса ёзувчи ва китобхонларда қолсин, розиман”⁴ деган эътирофини келтириш жоиз.

“Сохта эквивалентлар”га қайтиб, рус тадқиқотчиси М.Ю.Илюшкинанинг қуйидаги сўзларини эслаш жоиз: “Тарихий нуктаи назаридан қараганда, “сохта эквивалентлар” тилларнинг ўзаро таъсири натижасида юзага келади, асос-тилдаги умумий прототипларга бориб тақалувчи қариндош сўзларга асосланади ва айрим ҳолларда тасодифий мос келишлар натижасида юзага келади. Уларнинг умумий миқдори ва эҳтимолий манбалардан ҳар бирининг юзага келишдаги ўрни алоҳида олинган ҳар бир тиллар жуфтлиги учун фарқлидир, буни тиллар орасидаги генетик ва тарихий муносабатлар белгилайди”⁵. Дарҳақиқат, ўзбек ва турк тиллари бир тил оиласига мансуб бўлгани боис таржимонлар “сохта эквивалентлар”га кўпроқ дуч келадилар. Фактларга эътибор бериладиган бўлса, араб тилидан туркий тилларга ўзлашган *iflâs (iflâ:s)* сифати турк тилида “қарзларини тўлай олмаслиги суд томонидан аниқланган юридик ёки жисмоний шахс тушган оғир молиявий аҳвол – “банкротлик”, “синиш”, “қадрсизланиш” маъносида қўлланилади (*Her gün küçük tüccarlardan birisi iflâsa sürükleniyordu. – Ҳар кун майда савдогарлардан битмаси хонавайрон бўлар эди*)⁶. Ўзбек тилида эса “ифлос” сўзи ўз маъносида “нопок нарсалар билан булғанган, булғанч”, кўчма маънода “но-

¹ Hoshimov O., *Dunyoning ishlari, qissa*. –Т.: 2005, 8-bet.

² Haşimov Ötkir, *Dünyanın İşleri, Türkiye Türkçesine Çeviren: Mahir Ünlü, Bilgeoğuz Yayınevi, İstanbul, Mart 2014, 18-bet.*

³ Русча матнда ушбу содда гап “...фонарь светит слишком тускло” деб берилган.

⁴ Haşimov Ötkir, *Dünyanın İşleri, Türkiye Türkçesine Çeviren: Mahir Ünlü, Bilgeoğuz Yayınevi, İstanbul, Mart 2014, 14-bet.*

⁵ Илюшкина, М. Ю., Теория перевода: основные понятия и проблемы: [учеб. пособие] / [науч. ред. М.О.Гузикова]; М-во образования и науки Рос. Федерации, Урал. федер. ун-т. –Екатеринбург: Изд-во Урал. ун-та, 2015, с.38.

⁶ Türkçe Sözlük, Türk Dil Kurumu, 9. Baskı. 1.-2.Ciltler. – Ankara, 1998. -S.1048.

пок, разил, қабих, ярамас, палид” маъносида қўлланади (*Отхона ичидан ифлос курак ва сунурги кўтариб Жўра чиқди.*—Ойбек)¹.

Туркчага таржимада “кийим, уст-бош”, “кўриниш, қиёфа” каби маъноларга эга бўлган “*kılık*” сўзи ҳам баъзан таржимонга панд бериб қўяди. Чунки “Қилиқ” сўзининг ўзбек тилидаги маънолари туркчадан бир оз фарқли: “феъл-атвор, характер”, “одат”, “ўрганиш”, “хатти-ҳаракат” каби. Турк тилидаги “*Bu adamın kılığı hoşuma gitmedi*” деган гапни “Бу одамнинг қилиғи менга ёқмади” деб эмас, “Бу одамнинг ташқи кўриниши (кийиниши) менга ёқмади” деб тушуниш керак. Агар “*Бу одамнинг қилиғи менга ёқмади*” демоқчи бўлсак, “*Bu adamın davranışını beğenmedim*” дейиш керак бўлади: “Эчки бари бир эчки-да! Питир-питир қилгани ҳам майли-ю, ойим соғаётганида, ийиб кетса қиладиган хунук “қилиғи” бор”². Жумла туркчага “*Keçi de keçi ha. Sadece kıpır kıpır olmakla kalsa iyi de annem sağarken kendinden geçmek gibi pis bir âdeti var*”³ шаклида ўтирилган. Таржимон “килик” сўзини контекстдан келиб чиққан ҳолда “âdet” (одат) деб, тўғри ўтирган⁴. Қиёслайдиган бўлсак, турк адиби Р.Н.Гунтекиннинг “Чолиқуши” романида ҳам ушбу сўзга кўп маротаба дуч келамиз. Масалан, “*Ne olduğumu anlatamam. Kılığım, kıyafetim bir şeye benzese neyse. Fakat ayaklarım çıplak, arkamda açık bir beyaz gömlek*” [С,265] жумласи М.Исмоилий таржимасида куйидагича берилган: “Қандай аҳволга тушганимни сўз билан айтиб беролмайман. Қилиғим, қиёфатим бир нарсага ўхшаса ҳам гўрға эди: оёқларим очиқ, эғнимда ярим-ёрти баданимни ёпиб турган оқ кўйлак” [Ч, 289]. Таржимон жумланинг мазмунини жуда ишончли берган. Лекин, “*kılığım, kıyafetim*” сўзларини “уст-бошим” ёки “ташқи кўринишим” деб эмас, “қилиғим, қиёфатим” шаклида сўзма-сўз ўтирган.

Шу ўринда устоз А.Куронбековнинг куйидаги сўзларини ҳар бир таржимон укиб олиши лозим. Олим шундай дейди: “...сўзлар кўп маъноли бўлиб, уларнинг энг аввалги вужудга келган “том маъноси”, “асл маъно”, “тўғридан-тўғри маъно”си деб аталади. Улардан кейинги бирон-бир маъно қирраси билан ўхшашлик, ёндошлик жиҳати билан пайдо бўлган маънолар “ҳосила” маъно дейилади. Бас, шундай экан, сўз ҳар бир гап кесимида ё том маъноси билан, амалда эса кўпинча “ҳосила” маъноси билан қатнашади. Бадий асарда эса шоир ёки ёзувчи сўзнинг ҳеч бир луғатда қайд этилмаган яширин маъноларини кашф қилади”⁵.

“Дунёнинг ишлари”дан олинган яна бир парчага эътибор қаратамиз: “*Нордек йигит бўпти, – деди қувониб. – Исталовойда шепповар экан*”⁶. Ўзбекча жонли нутқ маҳсули бўлган ушбу жумла туркчага *Nar gibi delikanlı olmuş. Lokantalarda aşçılık yapıyormuş*⁷ шаклида ўтирилган. Аввало шуни таъкидлаш керакки, “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да “нор” сўзига 1. Бир ўрқачли эркак туя (нор туя), 2. Умуман, эркак туя (*Қаторда норинг бўлса, юкинг ерда қолмайди.* Мақол) ва кўчма маънода “Бақувват, мард йигит” деган бир қатор изоҳлар келтирилган. Шунингдек, ушбу сўзга омоним бўлган II. “нор” 1. “анор дарахти ва меваси” (*Бир богчада олмамиди, норми-ди, Мендан ўзга сенинг гаминг ермиди?* «Равшан»). 2. анор пўсти рангидаги, тўқ қизил, деган изоҳлар ҳам берилган. Аммо “Турк тилининг изоҳли луға-

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. –М.: “Рус тили”, 1981, 340-б.

² Hoshimov O., *Dunyoning ishlari, qissa.* –Т.: 2005, 129-bet.

³ Haşimov Ötkir, *Dünyanın İşleri, Türkiye Türkçesine Çeviren: Mahir Ünlü, Bilgeoğuz Yayinevi, İstanbul, Mart 2014, 139-bet.*

⁴ Бироқ, “ийиб кетса” бирикмаси туркчага “kendinden geçmek” (“ўзидан кетмок”, “хушидан кетмок”) деб берилган.

⁵ Куронбеков А., Форс тилида тил бирликларининг полисемантик хусусияти ва уни таржимада ифодалаш усуллари, илмий мақола // “Шарқ таржимашунослиги: тарихи, ҳозирги куни ва келажаги” мавзuidaги Республика илмий-амалий анжумани материаллари. –Т.: 2013, 7-б.

⁶ Hoshimov O., *Dunyoning ishlari, qissa.* –Т.: 2005.- 208 b. -34-bet.

⁷ Haşimov Ötkir, *Dünyanın İşleri, Türkiye Türkçesine Çeviren: Mahir Ünlü, Bilgeoğuz Yayinevi, İstanbul, Mart 2014, 14-bet.*

ти” (“Türkçe Sözlük”)да “nar” сўзининг фақат “анор” ва унга омоним бўлган “олов” маънолари берилган. Яъни “нор” сўзи “бир ўрқачли эркак туя (нор туя)” ва “умуман, эркак туя” ҳамда кўчма “бакуват, мард йигит” маънолари мавжуд эмас. Демак, туркча таржимада ушбу сўз нотўғри талкин қилинган. Шуни ҳисобга олиб ўзбекча жумлани турк тилида “Arslan gibi delikanlı olmuş, – dedi sevinçle, – Lokantada aşçıbaşımış” шаклида бериш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунки бундай сифатга эга бўлган ўспирин, йигитларга нисбатан турклар “arslan” (арслон), “tosun” (буқа), “коқ” (кўчқор) сифатларини қўллайдилар. Шунда ҳам айрим ўзбеклар нутқида ўша даврларда сингиб кетган “исталовой”, “шепповар” каби русча ўзлашмаларни туркчада ишончли, экспрессивликни тўла сақлаган ҳолда беришнинг иложи бўлмайди. Агар юқоридаги жумланинг русча таржимасига эътибор берилса, вазият янада аниқлашади: *“–Надо же, какой здоровый стал, – радостно сказала мама. – В столовой, оказывается работает, шеф-повар”*¹.

Таржимада учрайдиган бундай ҳолатлар хусусида таржимашунос З.Исомиддинов шундай ёзади: “...яқин тиллардан ўгиришда юз бераётган ноқулайликлар, чалкашликлар, охиروقибатда асарнинг бузиб таржима қилинишига “сабаб бўлаётган” бу хилдаги нуксонларга диққат билан разм солинса, айб шаклан бир хил, мазмунан эса фарқланувчи сўзлар, яъни “сохта эквивалентлар”да бўлмай, бошқа ёқда эканини сезиш қийин эмас”². Олим ўз фикрини А.Фёдоровнинг қуйидаги фикри билан тўлдиради: “Асл нусхадаги сўзга мувофиқ келадиган бирон-бир сўзнинг топилмаслиги – ғоятда кам учрайдиган ҳодисадир, “сохта эквивалентлар” қандайдир принципиал муаммо ҳамда алоҳида қийинчиликларни келтириб чиқармайди”³. З.Исомиддинов “сохта эквивалентлар”га ғоятда бой бўлган туркий тиллар ва бу тиллардаги асарларнинг ўзаро таржималарини қиёслаш натижасида келган хулосасини яна шундай ифода этади: “Яқин тиллардан таржима қилишда “сохта эквивалентлар”нинг таржимонга панд бериш ҳоллари аслида мутаржимнинг оригинал тилини етарли даражада билмаслиги туфайли келиб чиқади”⁴. Ушбу фикрни Э.Очилов сўзлари ҳам тасдиқлайди: “Бизда яқин тиллардан таржимага кўп ҳолларда ижодий иш деб қаралмайди, балки унга табдил даражасида муносабатда бўлиниб, шунчаки у тилдан бу тилга ўтказиб қўя қолиш ва баъзи бир тушунарсиз сўзларни тушунарлиси билан алмаштириш деб тушунилади. Шу боис бундай таржималарга ортиқча тайёргарликсиз киришилади. Натижада узоқ тиллардан таржимага кўра яқин тиллардан таржимада хато кўпроқ учрайди”⁵.

Таржимон баъзан луғатга таяниб таржима қилар экан, қатор хатоларга йўл қўйяди. Масалан “Дунёнинг ишлари”да касалхонада шифокорларнинг лоқайдлиги, ҳатто пора талаб қилаётгани ҳақида Клава хола шундай шикоят қилади: *“300 сўм берсангиз, дарров столга олади, дейишиди. Пул беришим билан муомаласиям ўзгарди, ўзиям бошқача бўп қолди. – Клава хола маҳзун қулиб қўйди. – Нимаям дердим. Врач ҳам одам. Ундаям нафс бор. Бир оғиз раҳмат деган сўзингга муҳтожми. Болницага ётишга ордер оламан, десанг, қўлингга қараб туради-ку. Бу-ку бутун бошли операция... Дунёда ҳар хил аблаҳлик бор. Лекин беморни даволаш учун пора олиш...”*⁶.

¹ Хашимов У, Дела земные, повесть, перевод с узбекского У. Хашимова, Ташкент, издательство литературы и искусства имени Г.Гуляма, 1988. www.ziyounet.com кутубхонаси. - С.30.

² Исомиддинов З., “Алдоқчи сўзлар” билан баҳс // “Таржима санъати” (Мақолалар тўплами). 5-китоб. –Т.: 1980, 158-б.

³ Фёдоров А. В., Введение в теорию перевода. М., 1958, 140-б.

⁴ Исомиддинов З., “Алдоқчи сўзлар” билан баҳс // “Таржима санъати” (Мақолалар тўплами). 5-китоб. –Т.: 1980, 158-б.

⁵ Очилов Э., Яқин тиллардан таржима муаммолари, мақола, Таржима масалалари // илмий мақолалар тўплами. –Т.: 2012, 9-б.

⁶ Hoshimov O., Dunyoning ishlari, qissa. –Т.: 2005, 81-bet.

Оддий аёл тилидан айтилган кундалик оғзаки нутққа оид сўзларда ўзбек тилининг бойифода имкониятлари тўла намоён бўлган. Парча туркчага куйидагича ўгирилган: *“Üç yüz som verseniz derhal ameliyat masasına alır” dediler. Parayı verişimle birlikte muamelesi de değişti, kendisi de bir başka doktor oluverdi. Kilava teyze hüüzünle gülümsedi: – Derdim de ne ki? Doktor da bir insan. Onun da nefsi var. Agzınla teşekkür etsen o bu söze muhtaç mı? Kliniğe yatmak için fiş alıyorum desen eline bakıyorlar. Garantili ameliyat işte bu. Dünyada çeşit çeşit aptallık var. Lakin hastayı iyileştirmek için rüşvet almak...”*¹.

Ўзбекча матндаги “беришим билан” бирикмаси “*verişimle birlikte*” (беришим билан бирга) шаклида сўзма-сўз ўгирилган. Ҳолбуки, уни “*verince*” деб, “муомала” сўзини ҳам “*konuşma*” “*daştırma*” шаклида бериш керак эди. “*Нимаям дердим*” тўлиқсиз гапи эса *Derdim de ne ki?* (“Дардим нима экан ўзи”) шаклида буткул нотўғри таржима қилинган. Таржимон “дердим” (дер эдим) феъл шаклини “дардим” (дард) деб нотўғри қабул қилган. “...*order оламан, десанг*” бирикмасининг маъноси “Ордер олмакчи бўлсангиз”дир. Буни ҳам таржимада *fiş alıyorum desen* шаклида эмас “*Fiş almak istediğiniz zaman*” шаклида ўгириш мақсадга мувофиқ бўлар эди. “*Бу-ку бутун бошли операция*” содда гапини эса таржимон умуман тушунмаган кўринади: “*Garantili ameliyat işte bu*” (сўзма-сўз: “Бу кафолатли бир операция”). Ва, охиргиси: турк таржимони “*аб-лаҳлик*”ни “*aptallık*”, яъни “аҳмоқлик”, “тентаклик” деб таржима қилган. Хулоса қилинадиган бўлса, таржимон нафақат луғатга суяниб иш юритар экан хатоликларга йўл қўйган, балки аслиятни тушуниш, уни чуқур идрок этишда ҳам қийналган кўринади.

Энди ушбу парчанинг русча таржимасига эътибор қаратамиз: “*Сказали, дашь триста рублей, сразу положат на операционный стол. Дала я ему эти проклятые деньги, так он сразу изменился, стал хорошо ко мне относиться. –Тетя Клава печально улыбнулась. –А что мне было делать? Боли страшные, а жить-то хочется. Да, разные подлецы есть на белом свете. Но чтобы брать взятки с больного...*”

Юзаки қараганда, русча таржима мукамалга ўхшайди, мазмун ғоят тушунарли, услуб ҳам раван. Аммо синчиклаб қаралса, аслият матнидан бутун бошли “...*Врач ҳам одам. Ундаям нафс бор. Бир оғиз раҳмат деган сўзингга муҳтожми. Болницага ётишга ордер оламан, десанг, қўлингга қараб туради-ку. Бу-ку бутун бошли операция...*” қисми тушириб қолдирилгани кўриниб қолади.

Таржима жараёнида синоним ва маънодош сўз, ибораларни танлаш муаллифнинг сўз бойлиги ва бадий маҳоратини намоёниш этувчи асосий омиллардан бири саналади. Муаллиф услубида синтаксис, интонация муҳим аҳамиятга эга, уларнинг таржимада тўла сақланмаслиги таъсирни су-сайтиради. Таржимон сўз, образ ва жумла интонацияси устида тинимсиз иш олиб бориб, асарни таржима тилида қайта яратишда сўзма-сўз аниқликка берилмасдан, таржима учун ишончли услуб калитини топишга интилноғи лозим. Аммо аслият интонациясини сақлаш таржимани сўзлар ва тиниш белгилари билан ўгириб қўйиш деган гап эмас. Гап шундаки, ҳеч бир тилнинг хатто энг бой луғати ҳам у тилнинг кенг имкониятлари, агар у аслият муаллифи услубига бўйсундирилмас экан, тўлақонли таржима яратилишига кафолат бўла олмайди.

Ўзаро яқин тиллар орасида бадий таржимада хатоликларга йўл қўйиш аслида асар сарлавҳаси учун сўз танлашдан бошланади. Чунки “асар номида унинг мазмуни яширин бўлади” деган гап бежизга айтилмаган. Масалан, “Дунёнинг ишлари” муаллифнинг ўзи томонидан рус тилида “Дела земные” деб бенуксон берилган. Бирок, у туркчага сўзма-сўз “*Dünyanın İşleri*” деб ўгирилган. Ушбу ном турк китобхонига тушунарли бўлиб турса-да, асарга ном бўлган иборанинг фразеологик маъносидан келиб чиқилса, “*Bu dünyanın işleri*

¹ Haşimov Ötkir, Dünyanın İşleri, Türkiye Türkçesine Çeviren: Mahir Ünlü, Bilgeoguz Yayınevi, İstanbul, Mart 2014, 94-bet.

böyledir” (Бу дунёнинг ишлари шунақа) маъноси юзага чиқади. Шунга қарамай, асарнинг “мағзини чакқан” китобхонда сарлавҳа шубҳа уйғотмайди, яъни гап нимада эканини фаҳмлайди. Таржимашунос олим Х.Раҳимов “муаллиф асарнинг онаси, у ўз боласига қандай ном танлайди” дея таъкидлаб, ўзбек адиби А.Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романи немис тилида “Die Liebenden von Taschkent” (яъни *Тошкентлик ошиқлар*), А.Қаҳҳорнинг “Синчалак” асари “Sekretär Saida” номи билан нашр этилганига эътибор қаратган олим, Ў.Ҳошимовнинг “Дунёнинг ишлари” асари “Kein Himmel auf Erden” деб номлангани, ушбу олмонча ном ўзбек тилига қайта ўгирилса, тахминан “Ернинг устида осмон йўқ” ёки “Осмон узилиб ерга тушмаган” деган мазмун касб этишини танқид остига олади ва “Истеъдодли ёзувчи ҳаёт бўлганида бу каби немисча сарлавҳага рози бўлармиди-йўқми, бизга қоронғу” – деб ёзади¹.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб, “Дунёнинг ишлари” романини ташкил этган 32 новелла номи таҳлил қилинди ва ушбу номларнинг турк ва рус тилларига таржима сирасида бир қатор камчиликларга йўл қўйилгани аниқланди. Қуйида улардан бир нечтаси устида тўхталиш керак бўлади. Новеллалардан бири “Ҳаққуш” деб номланади. Ушбу сўзга ЎТИЛда “Узун оёқли кушлар туркумининг қарқаралар оиласига кирувчи парранда (*Аввали бу бойўғли эмас, ҳаққуш, қўрқма*. А.Қаҳҳор, Мастон”)” деб изоҳ берилган ва унинг “ҳаққув” шакли ҳам борлиги таъкидланган (*айн. ҳаққуш. Каптарлар ҳалқа бўлиб, ҳаққувлар ҳақ-ҳақ деб, қумрилар дўст тортиб, боққа оройиши бериб, нағмасозлик бир муносиб ярашиб турибди* “Равшан”)². Шундан келиб чиқилганда ва луғатга қўра ушбу сўзнинг “Кваква – ночная птица” деб муаллиф таржимасида берилганига эътироз билдириш шарт эмасга ўхшасада, уни рус тилида “Кукушка” ёки “Ночная цапля” деб ўгириш, турк тилида эса “İshak Kuşu” ёки “Baykuş” деб бериш мақсадга мувофиқ бўларди. Зеро, новеллада ака-ука Илҳақ ва Исҳоқ ҳақидаги ривоят келтирилганлиги ҳам буни тасдиқлаб турибди.

Ёки “Сурат” номли новелла туркча таржимада “Resim”, русча таржимада эса “Фотокарточка” деб берилган. Новелла контекстидан келиб чиқилса, қолаверса, асар ўтган асрнинг сўнгги чорагида ёзилгани ҳисобга олинса, уни туркчада – “Fotoğraf”, русчада эса “Фотография” шаклида берган маъкул эди. Чунки ҳозирги турк тилида “resim” деганда “сурат” эмас, чизилган “расм” тушунилади. Шунингдек, “Той” новелласи туркчада “Тау” деб тўғри берилган. Русча таржимада эса “Той” дейилган. Ҳолбуки, рус тилида бундай сўз йўқ. Агар сарлавҳани транслитерация йўли билан бериб, уни рус тилининг товуш қоидаларига амал қилган ҳолда берсак, “той” эмас, “тай” тўғрироқ бўлар эди.

Асардаги яна бир новелла номи “Менинг ача холам” новелласи туркчада “Benim Nene teyzem” деб берилган. “Nene” турк адабий тилидаги “nine” (буви) сўзининг шевага хос шакли ҳисобланади. Бир жиҳатдан ушбу сарлавҳа таржимасига эътироз билдириш ўринсизга ўхшайди. Бироқ, бошқа томондан қаралганда, сарлавҳа таржимаси китобхонга ғалати туюлиши табиий. Чунки ЎТИЛда “ача” сўзига қуйидагича изоҳ берилган: АЧА *шв.* 1. Буви. (*Охири она қизига насиҳат этди: – Исфарага бориб, ачамни қўриб келаман, деб отангдан рухсат ол. “Ёшлик”*). 2. Катта буви (бувининг онаси). 3. Она, ойи. (*Оқ сут берган ачам қолди. “Тўлан ботир”* ³). Аммо “Менинг ача холам” новелласини туркчага ўгиришда бунга асосланиш мақбул иш эмас. Сўзма-сўз ўгириш ҳам нотўғри. Шу боис уни туркчада “Benim Çingene Teyzem” (Менинг лўли холам) деб берган маъкул эди.

¹ Раҳимов Х., Erlkönig – ўрмон шоҳи эмасми? Ёхуд сарлавҳа таржималари муаммолари, мақола, “Ўзбекистон таржимашунослари форуми - 2019”. –Т.: ТошДШИ, 2019, 35-36-бетлар.

² Ўзбек тилининг изоҳли луғати. –М.: “Рус тили”, 1981.

³ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. –М.: “Рус тили”, 1981.



“Имон” сарлавҳаси туркчага тўғри ўтирилган, аммо новеллада гап инсоф, виждон ҳақида борган бўлсада, уни русчага “Совесть” деб эмас “Честь” ёки “Вера” деб бериш мақсадга мувофиқ.

Романдаги “Пўстдумбали мошкичири” новелласи турк тилида “Kuyruk Derisinden Maşkiçiri” деб тўғри ўтирган. Чунки Туркияда мош ўсмагани, “мошкичири” деган таом ҳам йўқлиги боис, ушбу ном бир хос сўз сифатида таржимасиз ўтказилган. Русча таржимада эса ушбу ном новелланинг умумий мазмунидан келиб чиқилиб, “Взятка” Наима парикмахера” (“Наим сартарошнинг “пораси”) шаклида таржима қилинган¹.

“Пистачи” турк тилига “Kıyuyemişçi”, яъни “қуруқ мева сотувчи” деб ўтирилган, аммо новеллада гап бирон нарса сотаётган одам ҳақида эмас, айнан бошқа иш қилиш қўлидан келмагани учун кун ўтказиш мақсадида писта сотиб кун кўрадиган собиқ золим амалдор ҳақида боради. Шу боис уни айнан, сўзма-сўз “fistikçi” (“пистачи”) деб ўтириш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Яна бир хусус: ўтган асрнинг сўнгги чорагида таниқли рус ёзувчиси Б.Васильевнинг Иккинчи Жаҳон урушида рус аёллари кўрсатган жасорат ҳақида “А зори здесь тихие” номли романи нашр этилган, кўп ўтмай ушбу роман ўзбек тилига “Тонглар эди бу ерда сокин” деб таржима ҳам қилиниб нашр этилган. Асар асосида “А зори здесь тихие” номли бадиий фильм ҳам ишланиб, катта шухрат қозонганди. Қизиғи шундаки, мазкур фильм ўзбек тилига “Хур қизлар” деб ўтирилган ва бугунгача ушбу ном билан машҳур бўлиб келади. Хулоса қилинадиган бўлса, бадиий асар сарлавҳаси таржима қилаётганда икки баробар кўпроқ “хушёр” бўлиш, бунда биринчи навбатда асар мазмунидан келиб чиқиб, ундан кейин асл номнинг маъзини яхшилаб “чақиб”, таржимани ўқувчи китобхоннинг таъби, завқи ва эътиборини ҳам ҳисобга олган ҳолда иш тутиш керак бўлади.

Хулоса. Ўзаро яқин тилларга таржимада сўз танлашнинг мураккабликлари масаласини илмий ўрганиш анча авж олган бўлсада, ушбу мавзунинг Ў.Ҳошимов асарларининг турк тилига таржималари мисолида ўрганилиши янгилик саналиб, таржима сирасида диққатдан четда қолган баъзи хусусларни таъкидлаш керак бўлади. Шунингдек, келажакда бир тил оиласига мансуб тиллар орасида таржиманинг чигалликлари сабабини ёритиш, асл нусхага хос шева ва жаргон лексикасининг берилиши масалаларини тадқиқ этиш кечиктириб бўлмас вазифалардан саналади. Шу нуқтаи назардан ушбу мўъжаз тадқиқот ўзбек адабининг сўнгги йилларда кетма-кет туркчалаштирилиб нашр этилаётган асарларини жиддий ўрганиш, таржималарни танқидий кўриб чиқиш йўлидаги илк ишлардан ҳисобланади.

Таржима – улкан, масъулиятли иш. Бундай ишга шошилмаслик, ўйлаб иш кўриш талаб этилади. Назаримда, Ўткир Ҳошимов асарларининг туркча таржималари кўнгилдагидек. Шунга қарамай, таржималарнинг сал шошилиб, балки қандайдир зарурат туфайли амалга оширилгани, оқибатда асарлардаги айрим фаслларнинг тушириб қолдирилганлиги сезилиб қолади. Албатта, бу бадиий ижодга зид нарса. Зеро, таржима тақдирини бундай зарур шарт-шароитлар эмас, балки таржимоннинг истеъдоди, савияси, тажрибаси, маданияти, диди, услуби ҳал этмоғи керак. Ушбу тадқиқотда муаллифнинг санаб ўтилган муҳим хусусларни синчиклаб кўриб чиққанлиги ва таржималарга холис баҳо берганлигига гувоҳ бўламиз.



¹ Асарнинг русча таржима матнида “мошкичири” ўн икки марта “машкичири” шаклида таом номи – миллий хос сўз сифатида берилган.